

ГЎДАКЛИК ДАВРИДА МУЛОҚОТ

Гўдакнинг ҳаётий фаолияти ва тақдири уни қўршаган, парваришлайдиган катта ёшдагиларга бевосита боғлиқ бўлиб, унинг барча эҳтиёж ва талабалари фақат шулар томонидан қондирилади. Катталар гўдак учун яратган объектив ва субъектив шарт-шароитлар унинг ўсишини белгиловчи муҳим туртки вазифасини ўтайди. Шиқилдоқлар шакли ранги ҳар хил ўйинчоқлар ва ҳоказоларни боланинг диққатига ҳавола қилиш унда жисмлар тўғрисида тасаввур образларини яратади. Ўзаро мулоқот жараёнида, жисмларни ушлашга ўргатиш, машқлар натижасида гўдак “таниш” жисмларга талпинадиган, уларга қўл чўзадиган бўла бошлайди, унда ранг ва шаклни фарқлаш имконияти туғилади. Тажрибанинг кўрсатишича, гўдак беҳисоб жисмлар орасида инсонни тобора аниқроқ, равшанроқ ажрата бошлайди.

1 ёшгача болаларча болаларда катталар билан мулоқотга киришиши мураккаблашиб боради. 3 ойликдан гўдак 6 ойликгача болада катта ёшдаги одамлар билан танлаб муносабатда бўлиш вужудга келади. 3 ойлик гўдак бегоналар орасидан туққан онасини ажрата олса, ярим ёшдан бошлаб эса бегоналар ичидаги қариндошларини ҳам фарқлай олади. 3-4 ойлик гўдак унга тез юзланган, эркаланган, мулоқотга киришган ҳар қандай одамга табассум қилади ёки эркаланади, 5-6 ойликда у муомала қилаётган шахсга бир оз тикилади, кейин ё қўлимсирайдиган ёки ундан юзини ўгиради, ҳатто қўрқиб йиғлаб юборади. Тахминан 8-9 ойлигидан катталар билан дастлабки ўйин фаолиятини бошлайди.

Ўйин фаолиятидаги табассум, жонланиш, шодлик туйғулари аввал фақат катталар иштирокида намоён бўлади. Натижада бола индивидуал фаолият туридан ҳамкорликдаги фаолият мулоқот кўламини кенгайтиришга ёрдам беради. Катта ёшдаги одамнинг табассуми ёки ёқимли овозидан бошқа ҳеч қандай қўзғатувчи гўдакда шунчалик қувонч ва шодлик ҳис

туйғусини вужудга келтира олмайди. Шу сабабли қувонч туйғусини уйғотиш ва мустаҳкамлаш учун тарбиячилар гўдак билан тез-тез мулоқотда бўлиши, ёқимли оҳангда самимий суҳбатлашиб туриши лозим. Бола ҳаётининг иккинчи ярим йиллигида катталар нутқини идрок қилиш ва уни тушуниш жадал суръат билан ўсаверади. Чунки она ёки тарбиячи уни парваришлаш ва тарбиялаш жараёнида ҳар бир ҳаракатни тушунчалар, сўз бирикмалари, атамалар билан бирга амалга оширади, ҳаракат билан предметнинг узвий боғлиқлигини ёритишга тиришади. Болани ўзгалар нутқини тушунишга ўргатишда катта одам бирор ўйинчоқдан таъсирланишни ҳосил қиладиган қўзғатувчини уйғотади. Унда ўзи жисм ва расмларга боланинг диққатини жалб этади ёки унинг қўлидаги ёхуд стол ўстидаги объектларни кўрсатиб “сурнай қани?”, “катта айиқча қани?”, “копток қани?” каби саволлар билан муурожаат қилади.

Катталарнинг бола билан машғулотларни бир неча марта такрорлаши натижасида талаффуз қилинаётган сўз билан предмет узвий боғланади ва бу боғланиш бир неча босқичларда намоён бўлади. Даставвал катталарнинг саволи болада ҳеч қандай таъсирланиш туйғусини қўзғатмайди, ҳатто, гўдак ўша предметга қиё ҳам боқмайди. Иккинчи босқичда болада саволга нисбатан суст ҳаракатланиши ҳосил бўлади ва у предмет турган томонга диққатини йўналтиради. Нутқни идрок қилишнинг учинчи босқичида гўдак учун жисмнинг моҳияти ва мазмунини муҳим аҳамият касб этмайди, балки берилаётган саволнинг интонацияси, ритми, темпи, мантиқий урғуси бош мезон, асосий туртки вазифасини бажаради. Ўзгалар нутқини тушунишининг охирги босқичида гўдак предметни англатувчи сўз билан предметни ўзаро боғлаш имкониятга эга бўлади, натижада бошқа жойлардан ҳам предметни топиш учун ижодий излинишга ҳаракат қилади. Нутқни идрок қилиш ва тушунишнинг охирги босқичи гўдакнинг 9-10 ойлигидан бошланади.